

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.N.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

АРИПОВ АБДУХАМИД ОНАЛБЕКОВИЧ

**«УРУҒ-ТУПРОҚ-ЎСИМЛИК» ТИЗИМИДА ЧЎЛ-ОЗУҚАБОП
ЭКИНЛАРИНИ УЛЬТРАБИНАФША НУР БИЛАН ТАЪСИР ЭТИШ
ҚУРИЛМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

05.05.07 – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Арипов Абдухамид Оналбекович

«Уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимида чўл-озуқабоп экинларини ультрабинафша нур билан таъсир этиш қурилмаси параметрлари ва технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Арипов Абдухамид Оналбекович

Разработка технологии и технических средств электрического воздействия на систему «семя-почва-растение» для производства семян пастбищных культур на семеноводческих площадька..... 19

Aripov Abdukhamid Onalbekovich

Development of technology and technical equipment electric impact on the «seed-soil-plant» system for production of pasture seeds in seed-growing fields..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.N.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

АРИПОВ АБДУХАМИД ОНАЛБЕКОВИЧ

**«УРУҒ-ТУПРОҚ-ЎСИМЛИК» ТИЗИМИДА ЧЎЛ-ОЗУҚАБОП
ЭКИНЛАРИНИ УЛЬТРАБИНАФША НУР БИЛАН ТАЪСИР ЭТИШ
ҚУРИЛМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

05.05.07 – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2395 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tiame.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухаммадиев Ашираф
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Музаффаров Шавкат Мансурович,
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедов Олимжон Турсунбаевич,
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.N.10.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.:(+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 2370945 e-mail: admin@ tiame.uz).

Диссертация билан «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.:(+99871) 237-09-45.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

У.Т.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, техника фанлари бўйича PhD, доцент

Х.М.Муратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, техника
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда яйловлар ҳолатини яхшилайдиган, унинг учун керакли ҳажмда уруғларни етиштиришда турли хил касаллик микроорганизмлардан зарарсизлантириш, авжлантириш, энергия-ресурстежамкор, иш унуми юқори бўлган чўл шароитига экологик тоза технология ва техника воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда.

Жаҳонда яйловлар ҳолатини яхшилашда ресурстежамкор, табиатни муҳофазаловчи технологиялар асосида, тупроққа сифатли ишлов бериш, фитомелиоратив ўсимликлар уруғини зараркунанда ва касалликлардан ҳимояловчи технология ва техник воситаларни яратишга, ҳамда уларнинг илмий-техник асосларини ишлаб чиқишга илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, экишга тайёрланадиган тупроқни, экиладиган уруғларини турли хил касаллик келтирувчи зарарли микроорганизмлардан зарарсизлантириш ва уларни тез ва сифатли униб чиқишга олиб келадиган авжлантириш тадбирларида экологик соф зарарсиз энергия-тежамкор технологиялар ва уларни амалга оширадиган қурилмаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларни асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз яйловлар ҳолатини яхшилашда меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш ва иш унумини ошириш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тарқоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик соҳасига интенсив усулларни, замонавий агротехнологияларни, озиқ-овқатхафсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, чўл яйловларга экилашга бўлган тупроқни, экиладиган фитомелиоратив ўсимликларни уруғини ва ўсаётган озуқабоп ўсимликларни зарарли микроорганизмлардан ҳимолашни амалга оширадиган экологик соф электротехнологияни ишлаб чиқиш ҳамда унинг ишлаш принципини асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017- йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019- йил 22 февралдаги ПҚ-4204-сон «Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019-йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон «Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни ҳимоялаш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўп соҳалари, шунинг ичида чорвачиликни ҳам интентивсинлаш учун чуқур ва кенг қамровли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, шунинг ичида, электр энергия тўғридан-тўғри технологик жараёнларга киритилиши илмий асослаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар, тирик организмларга таъсир этиш билан боғлиқ жараёнларни асослаш, бообъектлар махсулдорлигини оширишнинг электрофизик усул ва воситаларини экологик тозалик талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишга қаратилиши соҳа илм-фанини муҳим масалаларидан бири ҳисобланади, чунки анъанавий технологиялар қўллаш шароитларида организмлар биологик, физиологик ва махсулдорлик потенциалининг фақат бир кичик қисмигина амалга ошади. Электротехнологияларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қўллаш илм-фанини ривожланишига сезиларли улушни В.И.Евреинов, П.Н.Листов, Л.Г.Прищеп, А.П.Басов, М.Г.Тарушкин, И.И.Мартыненко, Ф.Я.Изаков, Э.А.Каменир, Н.А.Климов, В.И.Баев, В.Н.Савчук, И.Ф.Кудрявцев, В.В.Шмигель, С.В.Оськин, А.Р.Раджабов, А.Мухаммадиев, П.Мусабеков, М.И.Исмаилов, Э.Н.Фахрутдинов, М.Джурабаев, Х.М.Мурадов, А.Юсубалиев, Ш.М.Музаффаров ва бошқалар қўшдилар.

Республикада қишлоқ хўжалик экинларнинг (пахтачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, озуқабоп ўсимликлар ва б.) жонланишини, ҳаётчанлигини ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича турли хил электротехнологик усуллар билан ишлов бериш жараёнларини ўрганиш ва параметрларини асослаш, технологик жараёнларга тадқиқ этиш бўйича А.Мухаммадиев, М.Джурабаев, М.Кашкарова, У.Хамрокулов, Д.Исматуллаева, В.А.Автономов ва бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо, юқоридаги тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар фақат суғориладиган ҳудудлар учун қўлланилган, чўл шароитида, яъни яйловларни ва уруғчиликни яратишда электротехнология ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ва илмий-контрукторлик бюросининг илмий конструктор ишлар режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти

ва «ВМКВ-Agromash» АЖ («Бош Махсус Конструкторлик Бюроси-Агромаш») билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари режасига мувофиқ давлат илмий-техника дастурларининг КА-3-012 «Ресурс-энергия тежамкор табиатни муҳофаза қилиш технологиялари ва таназзулга учраган яйловларни тиклаш имконини берувчи чўл чорвачилиги ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун янги техникавий воситаларни яратиш ва мавжуд бўлган техникавий воситаларни такомиллаштириш» (2012-2014 йй.), КА-3-009 «Энергия тежамкор машиналар комплексини ишлаб чиқиш (модернизациялаш), улардан фойдаланиш технологияларини мукамаллаштириш ва таназзулга учраган яйловларни тиклаш ва ҳосилдорлиги паст бўлган яйловларни яхшилаш учун чўл ем-хашак ўсимликлари уруғларини етиштиришнинг самарали агротехникаларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва КХ-Атех-2018-229 «Чўл яйловларни муҳофаза қилиш бўйича самарали техник ечимларни ишлаб чиқиш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги илмий амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақўл яйлов ва пичанзорларини яхшилаш (ўзлаштириш) ҳамда уруғчилик, хусусан саксовул ва прутняк (изен) етиштирадиган далаларни яратиш учун ярим чўл ва чўл озучабоп ўсимлик уруғ ва хашаклар ҳосилдорлигини, ультрабинафша нурлари ёрдамида, ошириш мақсадида, электр авжлантириш ускунаси турини танлаш ва параметрларини ҳамда иш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чўл озучабоп ўсимлик уруғларининг физик-механик хоссаларини таҳлил қилиш, керак бўлса ўрганиш (оқ саксовул ва тошли прутняк-изен);

экиш учун тайёрланган тупроқнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

зарур бўлган нурланишни таъминлаш шароитини назарий жиҳатдан ўрганиш;

ультрабинафша нурланишни агротехникавий операциялар билан бирга амалда ишлатиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

саксовул ва изен уруғларини ультрабинафша нурлантириш ускунасининг тури, параметрлари ва ишлаш режимини асослаш бўйича лаборатория-дала тажрибаларини ўтказиш;

аниқланган параметрлар ва иш режимига мувофиқ ультрабинафша нурлантириш тажрибавий ускунасини дала шароитида техник-иқтисодий баҳолаш билан бирга синовларини олиб бориш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида саксовул ва изен уруғларининг физик-механик хоссалари, тажрибавий ультрабинафша ускунаси, инвертор, трактор аккумулятор батареяси ва нур таратувчининг электр лампа. Бунда махсус прибор ва мосламалар қўлланилди.

Тадқиқотнинг предмети «уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимида ультрабинафша нур таъсирида зарасизлантириш, авжлантириш, уруғларни униб чиқиш сифатини ва сонини ҳамда уруғларни ва хашакни ҳосилдорлигини кўпайишини таъминлайдиган ультрабинафша

нур(УБН)лантирувчи ускунанинг конструктив ва технологик ҳамда ишлаш режимини параметрларини ўзаро таъсирланиш жараёнини ифодалайдиган математик моделлар ва уларнинг рационал қийматларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий ва классик электродинамика, математик статистиканинг асосий қонун ва қоидалари, тажрибаларни математик режалаштириш ҳамда меъёрий хужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйдагилардан иборат:

экиладиган тупроқни, саксовул ва изен уруғларини ва уларнинг ривожланаётган ўсимликларини уруғ ва хашак хосилдорликларини кўпайишига УБНнинг авжлантиришга бўлган технологияси асосланган;

УБНни саксовул ва изенлар экиладиган тупроқ, уруғлар ва ўсимликларга мақбул таъсири ҳамда электротехнологик параметрлари аниқланган;

УБНларни уруғларнинг унувчанлиги ва ҳаётчанлигига ҳамда ўсимликни ривожланишига бўлган таъсирини ифодаловчи математик модел танлаб олинган;

авжлантирилган уруғларни уруғ ва хашакни хосилдорлигига бўлган ижобий таъсири ўрганилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйдагидан иборат:

чўл яйловларини озикабоп ўсимликларини уруғи ва хашагини хосилдорлигини ошириш учун юқори сифатли экологик соф электротехнология ишлаб чиқилди;

электротехнология қўлланилиши ер сифатини оширди, уруғларни касалликлари ва заракунандалар нобуд бўлди, барчасини хисобига уруғ ва хашакларни хосилдорлиги мавжуд бўлган технологияга нисбатан бир неча бор ошди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий изланишлар классик электродинамика ва олий математиканинг фундаментал қонуни ва қоидаларига асосланганлиги, тажрибавий тадқиқотларда замонавий усуллар ва воситалар қўлланилганлиги, улардан олинган натижаларнинг бир бирига мослиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тупроқ, уруғ ва ўсимликларини экологик соф электротехнологик усулда авжлантириш ва зарарсизлантиришни таъминлайдиган ультрабинафша ускунанинг синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти экишга тайёрланган тупроқни, экиладиган уруғларни ва ўсимликларни ультрабинафша нур таъсирида зарарсизлантириш ва авжлантириш жараёнларини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар ва регрессия тенгламалари олинганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти ультрабинафша нурлантирувчи электр ускунаси билан агротехник талаблар даражасида тупроқ, уруғ ва ўсимликларни нур таъсирида зарарсизлантириш ва авжлантиришда ишлаб чиқиш шароитида фойдаланиш мумкинлиги билан

изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экологик соф электротехнологик усулда экишга бўлган тупроқни, экиладиган уруғларни ва ривожланаётган озуқабоп ўсимликларни зарарсизлантириш ва авжлантириш бўйича олинган натижалар асосида:

чўл яйловларини яхшилаш қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиросига патент олинган («Тупроққа ишлов берувчи экиш агрегати», № IAP 04572-2009 й.). Натижада чўл яйловларини яхшилашда ва уруғчилик яратишда қурилманинг конструктив схемаси ишлаб чиқиш имкони яратилган;

мазкур электротехнология ва УБНлантирувчи ускуна Қорақоғистон Республика, Жиззах ва Бухоро вилоятларининг ўрмончилик ва қоракўлчилик хўжаликларида жами 50 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021-йил 25 ноябрдаги 02/023-4808-маълумотномаси). Натижада саксовул ва изенни уруғларининг хосилдорлиги мос равишда 5,0 ва 8,0 баробар, мавжуд технологияга нисбатан ошган;

УБНлантиргич ускунасини ишлаб чиқариш учун «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (дастлабки талаблар, техникавий топшириқлар, техникавий шартлар ва чизмалар) ишлаб чиқарилди (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021-йил 25 ноябрдаги 02/023-4808-маълумотномаси). Натижада чўл яйловларини яхшилашда ва уруғчилик майдонларини яратишда УБНлантиргич ускунасини ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма VII Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси кўргазмасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва талабгорлиги асосланиб берилган, унинг мақсад ва вазифалари ифодаланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги

кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифодаланган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш, диссертация иши натижаларини апробациялаш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чўл яйловларини яхшилаш масаласи ҳолатининг таҳлили. Диссертация ишининг вазифалари**» деб номланган биринчи бобида илмий-тадқиқот ишлари таҳлили, хусусан ярим чўл ва чўл яйловлари тупроқ-иқлим шароити тавсифи, ем-хашак ўсимликларининг хусусиятлари ва уруғлик далаларини яратиш, уруғ етиштириш учун мавжуд бўлган технология ва машиналар комплексининг таҳлили келтирилган.

Ҳозирги вақтда республика хўжаликларида уруғлик майдонлари учун тайёрланаётган паст сифатли яйлов ўсимликларининг экиш уруғлари, яйлов экинлари уруғларининг далада униб чиқиш қобилияти ва униб чиқиш энергияси 15% дан ошмаган. Уруғларни экишдан аввал авжлантиришнинг маълум киевий-биологик усуллари керакли натижаларни бермаяпти. Диссертациянинг мақсади ва вазифалари мана шундай фикрлардан шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Уруғчилик майдонларида яйлов экинларининг экиш уруғларини етиштириш учун «уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимига электр таъсир кўрсатиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига экишдан аввал электр ишлов бериш бўйича мавжуд бўлган технология ва техникавий воситалар таҳлили ва «уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимига электр таъсир кўрсатиш технологиясини ишлаб чиқиш келтирилган. Уруғчилик майдонларида тупроқни тайёрлаш, уруғ экиш ва яйлов экинларини парваришлаш бўйича мавжуд бўлган технологияларнинг таҳлили асосида уруғчилик майдонларида яйлов экинлари уруғларини етиштириш учун «уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимига электр таъсир кўрсатиш технологияси ишлаб чиқилди.

Уруғчилик майдонларида яйлов экинларининг экиладиган уруғлари етиштириш учун агроэлектротехникавий усуллар Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ИТИ ва Қоракўлчилик ва чўл экологияси ИТИ томонидан ишлаб чиқилган, агроэлектротехнологик операциялар ва ускуна эса «ВМКВ-Агромаш» АЖ томонидан ишлаб чиқилган.

Уруғчилик майдонларида яйлов экинларининг экиладиган уруғлари етиштириш учун электртехнологик операциялар бир мартада ерни шудгорлаб (ҳайдаб), тупроқни УБН ва ерни уруғ экишга тайёрлаш, экишдан аввал уруғларни УБН, ер ва уруғларни бир мартада УБН, уруғларни экиш, ер ва уруғларни бир мартада УБН, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун ерга ўғит солиш ва ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш кўзда тутади.

УБН оқими тупроқ муҳити билан трансформацияланиши катта миқдорда ютилиб, кичик миқдорда акс этилиб содир бўлади. Бунда ютилувчи оқим иссиқлик энергиясига айланади ва ерда ҳар хил физик-кимёвий жараёнлар содир бўлишига шароит яратади. Тупроқнинг оптик хусусиятлари

абсорбентлар комплекси мавжудлиги аниқланади. Унинг ютувчи асоси темир ва марганецни боғловчи гумусли моддалардир.

Намлиқнинг ортиши тупроқ УБН ютиш жараёнини фаоллаштиради.

Уруғларни экиш вақтида ерни УБН билан электр ишлов беришнинг ижобий таъсирларидан бири сифатида кейинчалик ўсимликлар илдизи интенсив нафас олиши ошишига олиб келувчи тупроқ қатламининг қизиши бўла олади. Илдиз қатламининг қизиши осмотик босимнинг пасайиши учун қўшимча омил бўлиб хизмат қилади.

Осмотик босимнинг катталиги аралашма ва ҳароратнинг таркибига боғлиқ бўлади.

Унинг сув фаоллиги билан боғлиқлиги аралашмада энг оддий ифодаланади:

$$-RT \cdot \ln a_w = \int_{\pi}^{p+\pi} U_w dp \quad (1)$$

бунда p – гидростатик босим; π – осмотик босим; U_w – сувнинг моль миқдори.

Сувни кам сиқилувчанлигига кўра ўнг томондаги интегрални айирмага алмаштириш мумкин. Сувнинг молекуляр массаси 0,018 kg/mol га тенг бўлганида (d – аралашманинг зичлиги, kg/m³):

$$\pi = \frac{RT \cdot d}{0,018} \cdot \ln a_w \quad (2)$$

Ернинг юзасидаги барқарор мувозанат ҳарорат нурланиш оқими зичлигига қараб аниқланади:

$$\bar{h}_c \cdot (T_{\infty} - T_p) = Q \cdot (T_p^4 - T_o^4) \quad (3)$$

бунда h_c – иссиқлик қайтариш коэффиценти; T_{∞} – атроф муҳитнинг ҳарорати; Q – Стефан-Больцманнинг доимий катталиги; T_p – барқарор мувозанат ҳарорат.

$$q_m = -\frac{\lambda_2^1 T_c^1}{\xi + H} \quad (4)$$

бунда $H = -\frac{\lambda_2}{\lambda_1}$ – УБН таъсир кўрсатадиган тупроқ қатламининг қалинлиги.

Тупроқ юзасининг ҳарорати эса

$$T_n = \frac{T_c \xi}{\xi + H} \quad (5)$$

бунда ξ – тупроққа ҳарорат градиенти.

Иккинчи томондан УБ авжлантириш услуби ва ҳисоб-китоби ёки бизнинг ҳолатимизда биологик объектни (тупроқ, қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликлари уруғлари) зарарсизлантириш биообъект a томонидан ютиш коэффиценти, нурлантириш дозасини $H_{норм}$, бактерицид нурланишини $E_{ок}$, ишлов бериш вақтини t ва УБ нурланишнинг самарали бактерицид оқимини Φ_e аниқлашга асосланади.

Т.ф.д. Оськин С.В.нинг маълумотларига кўра нурлантириш жараёнида микроорганизмлар сонини камайиш даражасини аниқловчи УБ-зарарсизлантириш жараёнининг асосий таснифи нурлантиришнинг меъёрланган дозасидир – $H_{норм}=16 \text{ mJ/cm}^2$.

Биообъектларни (бизнинг ҳолатимизда қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари, тупроқ ва вегетация давридаги ўсимлик, шунингдек уруғлар, тупроқ ва ўсимликларнинг ўзидаги ҳар хил микроорганизмлар) УБН таъсири остида зарарсизлантириш (ёки авжлантириш) жараёни экспоненциал қонунга бўйсинади:

$$N_{\epsilon} = N_0 \cdot e^{\frac{E_{\epsilon} t}{H_{норм}}} \quad (6)$$

бунда N_{ϵ} – зарарсизлантиришдан кейин уруғларнинг юзасида (ёки тупроқ юзасида) тирик қолган бактерияларнинг йўл қўйиладиган сони; N_0 – шу бактерияларнинг УБН орқали зарарсизлантиришдан аввал бошланғич сони. Бундан аввалги формуладан захира коэффицентини (K_3) ҳисобга олиб:

$$E_{\epsilon} = -K_3 \cdot H_{норм} \cdot t^{-1} \cdot \frac{\ln N_{\epsilon}}{N_0} \quad (7)$$

Лампанинг ташқи диаметри $d=25 \text{ mm}$, ишчи қисмининг узунлиги $\epsilon = 890 \text{ mm}$ деб қабул қилсак ва лампанинг нурлантириш юзасининг майдони:

$$K_3 = 2,2; \quad \frac{\ln N_{\epsilon}}{N_0} = -2,3; \quad t = 1 \text{ s.} \quad \text{У ҳолда } E_{\epsilon,ср} = 81 \text{ mW/cm}^2$$

$$S_{mp} = \pi d \cdot \epsilon = 699 \text{ cm}^2$$

Лампанинг бактерицид оқимини (Φ_{ϵ}) қуйидаги формула бўйича топамиз:

$$\Phi_{\epsilon} = E_{\epsilon} S_{mp} = 81 \cdot 699 = 56619 \text{ mW} \approx 57 \text{ W.}$$

Юқорида амалга оширилган назарий ҳисоблашлар асосида лампанинг бактерицид оқимининг (Φ_{ϵ}) қувватини 60 W деб қабул қиламиз.


Диссертациянинг «Уруғчилик майдонларида яйлов экинлари уруғларини етиштириш учун «уруғ, тупроқ, ўсимлик» тизимига электр таъсир кўрсатишнинг режимли параметрларини тадқиқот қилиш» деб номланган учинчи бобида экиш уруғлари ва яйлов экинлари ўсимликларига электр таъсир кўрсатишнинг оқибатларини ўрганиш бўйича тажриба ва назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Яйлов экинлари уруғининг далада унвчанлиги ва ниҳолларнинг чидамлилигини ўрганиш бўйича экспериментал тажрибалар «ВМКВ-Агромаш» АЖнинг полигонидида олиб борилди. Изен уруғлари 25 граммдан , узунлиги 10 метрдан бўлган тажриба майдонларига экилди. Ҳар битта тажриба 4 қайтадан олиб борилди.

Изен уруғларини дала тажриба шароитларида нурлантириш 2018 йил 24 февралдан амалга оширилди ва шу йилни $5-7$ мартларида экилди.

Экиш уруғларини нурлантириш нурлантиргичнинг лампаларини аккумулятор ва кучланишни ўзгартиргичдан ЎОУМТ (ўт олдириш ва улаш махсус тизими) тузилган электр энергиянинг автоном манбаидан


озикланадиган стационар нурлантиргич-электр авжлантиргич (1-расм) орқали амалга оширилган. Уруғларини нурлантириш УБНнинг қуввати 30, 60, 90 W қийматларида олиб борилган. Уруғларини нурлантириш вақтининг давомийлиги 5, 10, 15 дақиқа. Назоратда уруғлар анъанавий экилган.



1-УФН лампаларни ўт олдириш ва улаш махсус тизими (ЎОУМТ); 2-бактерицид лампалар;
3-клеммалар; 4-доимий ток манбаи 11-14V (трактор аккумулятори ёки генератор); 5-ўзгарувчан ток розетки 220V.

1-расм. Ўт олдириш ва лампаларни улаш тизими

2-расмда қувватнинг режим параметрлари ва экиш уруғларининг нурлантириш экспозициясига боғлиқликда униб чиққан ниҳолларнинг сони ва ўсимликларнинг чидамлик эгрилиги келтирилган.



1- $t_1 = 5$ min; 2- $t_2 = 10$ min; 3- $t_3 = 15$ min; 4-назорат

2-расм. Қуввати 60 W бўлган лампа билан УБН таъсирдан кейин саксаул (а) ва изень (б) уруғларининг унувчанлиги

Ўтказилган кўп омилли тажриба тадқиқотларда нурлантирувчи лампанинг қуввати (W) ва уруғларни нурлантириш вақтининг давомийлиги (min) ни уруғларнинг униб чиқиш Y_1 (%) ва униб чиққан ниҳолларнинг яшовчанлик Y_2 (%) даражаси ўрганилди.

Тажрибаларда олинган натижалар бўйича мезонларни адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- уруғнинг униб чиқиш даражаси, %

$$Y_1 = 55,619 + 0,654X_1 - 3,529X_1^2 - 3,71X_2^2;$$

- униб чиққан ниҳолларнинг яшовчанлик даражаси, %

$$Y_2 = 86,786 + 0,671X_1 - 0,504X_2 - 3,104X_1^2 - 3,604X_2^2;$$

Тажриба маълумотларидан кўришиб турибдики, агар УБН 30 W қувватида униб чиққан ниҳолларнинг сони бўйича энг юқори самара

уруғларни 10 min давомида олинган бўлиб, бунда униб чиққан ниҳолларнинг сони 51,57 тага тенг бўлиб, ўсимликларнинг чидамлилиги 83 % бўлган ва бу кўрсаткичлар ниҳоллар бўйича назоратни 10,72 донага ва чидамлилиги бўйича 50,45 % кўрсатмоқда.

УБН 60 W қувватида униб чиққан ниҳолларнинг сони бўйича энг юқори самара шунингдек уруғларни 10 min давомида олинган бўлиб, бунда униб чиққан ниҳолларнинг сони 57,7 тага тенг бўлиб, ўсимликларнинг чидамлилиги 88,57 % бўлган ва бу кўрсаткичлар ниҳоллар бўйича назоратни 16,6 донага ва чидамлилиги бўйича 56,47 % кўрсатмоқда.

УБН 90W қувватида униб чиққан ниҳолларнинг сони бўйича энг юқори самара шунингдек уруғларни 10 min давомида олинган бўлиб, бунда униб чиққан ниҳолларнинг сони 50,47 тага тенг бўлиб, ўсимликларнинг чидамлилиги 81,65 % бўлган ва бу кўрсаткичлар ниҳоллар бўйича назоратни 18,7 донага ва чидамлилиги бўйича 42,66 % ошганлигини кўрсатмоқда.

Тажриба маълумотлари изен экиш уруғларини УБН билан нурлантириш чидамлиликини авжлантирувчи натижага эга бўлиб, ўсимликларнинг вегетация давридаги чидамлилиги ошишига олиб келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич энг қимматли кўрсаткичдир, чунки ниҳолларнинг чидамлилиги канча юқори бўлса, сон кўрсаткичлари ва экиш уруғларининг улардан оладиган сифати шунча юқори бўлади.

«Уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимига УБН таъсири натижаларини ўрганиш бўйича олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижалар таҳлили асосида уруғларда ва вегетацияланаётган ўсимликларда электр физикавий таъсир остида содир бўладиган биофизикавий ва физиологик жараёнлар натижаларини тушуниш имконини берадиган диаграмма тузилган.

Экиш уруғларига электр таъсир кўрсатишда авжланиш контаклашувчи уруғларга узатилади ва бу ҳолат уруғлар орасида ўзаро электр ҳаракатланиш содир бўлишига олиб келади. Натижада синхронизация ва тизим чиплари потенциали амплитудаси катталиги ўртача ҳисобга келтирилади. Уруғларнинг энергетик баланси ортади, уруғларнинг мембрана комплексидаги электрик потенциал ошади, уруғларнинг намлик шимиш қобиляти ва ниҳолларнинг интенсив нафас олиши ва ферментатив фаоллиги ошади. Буларнинг барчаси униш энергиясига, униб чиқиш қобилятига, ўсиш жараёнлари интенсификациясига ва ўсимликлар фитогенезининг эрта даврларидаги фотосинтезга ижобий таъсир кўрсатади. Уруғларнинг осмотик босими ва тузга чидамлилиги ортади, шўрланиш шароитларида уруғлар сувни шимиб олишини таъминлайди ва бу ҳолат хужайралар протоплазмаларини сувсизликдан сақлайди. Хужайраларнинг осмотик босими катталиги билан кўпгина физиологик жараёнлар боғлиқдир, масалан, тўқималарнинг сув шимиш қобиляти, илдизларнинг минерал моддаларни ўзлаштириши ва уларни ўсимликнинг ер юзаси қисмига ташиб беришдир.

Натижада ердан ўсимликларнинг илдиз тизимига намлик, озуқа моддалар, макро ва микро элементлар кўчиши кучаяди. Буларнинг барчаси ўсимликларнинг касалликларга чидамлилиги, сув танқислиги ва бошқа экстремал шароитларга бардошлилигини оширади.

Юқорида айтиб ўтилганлар билан бир қаторда электр таъсир кўрсатиш уруғларда нуклеин ва оксил алмашинувини кучайтиради. Бунда генетик ва блоксинтезлаш аппаратининг структуравий-функционал хусусиятлари ўзгаради. Бунинг натижасида ДНК ва РНК кучайтирилган синтези содир бўлади ва бу ядро структурасининг функционал фаоллиги ўзгаришига олиб келади. Бир қатор хужайраларда функционал генларнинг сони кўпаяди. Улар ўсимликларнинг метаболизмига кўшилиб, алоҳида тўқима ва органларнинг шаклланишини тезлаштиради ва генетик аппаратнинг структуравий ҳолатини ва функционал фаоллигини ўзгартиради. Бу эса, ўз навбатида, фотосинтез жараёнининг маҳсулдорлигини оширади ва мураккаб органик боғланишларнинг ҳосил бўлиш жараёнини кучайтиради, физиологик ўсиш ва ўсимликларнинг ер усти ҳамда илдиз тизими ривожланишини кучайтиради. Буларнинг барчаси мева элементлари ва гулларнинг вақт бўйича шаклланишини барқарорлаштириш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, ҳосил бир текисда жадал пишишини таъминлайди.

Диссертациянинг ушбу бобида шунингдек, адабий манбалар таҳлили асосида назарий материаллар келтирилган. Шунини айтиб ўтиш керакки, мазкур диссертация «уруғ-тупроқ-ўсимлик» биологик тизимга электр таъсир кўрсатиш механизмларини назарий жиҳатдан ёритиб беришга йўналтирилмаган бўлиб, чунки мазкур масалани ечиш катта миқдорда қийин олинмаган маълумотларни талаб қиладиган мураккаб математик моделларни тузиш талаб қиладиган ва баъзида физик жиҳатдан олиниши мумкин бўлмаган натижаларни бериши мумкин. Шунинг учун тадқиқотларимизда олимларнинг қуйидаги йўналишларда олиб борилган тадқиқотлари натижаларининг адабий таҳлили билан чекландик:

озуқа моддалари ва намликни ўсимликларнинг илдизи томонидан ўзлаштирилиш жараёнини тавсифлайдиган тупроқ и илдиз тизими ўртасидаги масса алмашинувиш физикавий жараёнлари;

сув ва озуқа моддаларнинг илдизларга киришига тўсқинлик қиладиган омилларига (аралашманинг осмотик босими, тупроқнинг паст ҳарорати режими) ультрабинафша нурланишининг таъсир кўрсатиш механизми;

тупроқнинг ультрабинафша нурланишнинг таъсири остида шаклландиган гидротермик режими.

Диссертациянинг ушбу бобида шунингдек, тупроқнинг микробиологик хусусиятларига УБН дан кейинги таъсирини ўрганиш натижалари ҳам келтирилган. Тупроқ микрофлораси УБН таъсири остида ва нурланишсиз ҳар хил қишлоқ хўжалиги экинларининг остида динамикада ривожланиши ўрганилган. Бунда микроорганизмларнинг миқдори уларнинг асосий физиологик гуруҳи ҳисобга олинган ва бунинг асосида тупроқда ўсимлик қолдиқлари чиришида ва тупроқ чиридисида фаол қатнашадиган тупроқ микрофлораси ҳамжамиятининг ривожланиш даражаси ҳақида фикр юритиш мумкин.

УБН ҳар хил экинлар остидаги тупроқнинг микробиологик фаоллигига ҳар хил таъсир кўрсатиши аниқланди, масалан, УБН пахта ризосферасига ва изень яйлов ўсимлиги вегетация даврининг барча босқичларида ижобий таъсир кўрсатиб, микроорганизмлар миқдорини оширди. Вегетация

даврининг бошида кунгабоқар ва тариқ остидаги микроорганизмларнинг умумий миқдорига УБН айтарли таъсир кўрсатмади. Тажриба вариантларида барча ўрганилаётган ўсимликларнинг вегетация даври давомида УБН таъсири остида микромицентлар таркиби ошди. УБН ўсимликлар ризосферасида замбуруғларнинг сони ошишига айтарли ижобий таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, тадқиқот қилинаётган тупроқда микроорганизмларнинг миқдоран тарқалишини ўрганиш бир турдаги тупроқ чегарасида ҳар хил физиологик гуруҳларнинг сони органик модданинг (гумус) таркиби, шўрланиш даражаси ва ўсимликларга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Тупроқ шароитларининг ўзгариши микроорганизмларнинг одатдаги таркибига анчагина таъсир қилади, лекин у ёки бошқа физиологик гуруҳнинг бор бўлишига таъсир қилмайди.

Диссертациянинг **«Конструктив хужжатларни ишлаб чиқиш, уруғчилик майдонларида яйлов экинлари уруғларини етиштиришнинг экологик тоза технологияларини амалга ошириш учун электр техникавий воситаларни тайёрлаш ва синаш»** деб номланган тўртинчи бобида экин уруғларини ва ердаги вегетация давридаги ўсимликларни стационар ва трактор билан агрегатланадиган мобил электравжлантиргични ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва синаш ишларининг натижалари келтирилган. Экин уруғлари экишдан аввал ва экин вақтида электравжлантирилиши сабабли диссертацияда электравжлантиргич билан бирга ишлатиладиган экич ҳақида маълумотлар келтирилган.

Айнан шундай тарзда ўсимликлар ва тупроқни электравжлантириш жараёни пуркагич ёрдамида ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан кимёвий ҳимоялаш ҳам амалга оширилади.

Электравжлантиргичнинг лампаларини 220 V га ёқиш учун ўт олдириш ва улаш махсус тизими (ЎОУМТ) ишлаб чиқилган ва тайёрланган.

Ультрабинафша лампалар тракторнинг аккумулятори ёки генератори орқали ЎОУМТ (12 V доимий токдан) озиқланади. ЎОУМТ доимий токни ўзгарувчан токка ўзгартиради ва чиқишда 220 V кучланишни таъминлайди. ЎОУМТ трактор кабинасидан ҳайдовчи томонидан бошқарилади.

Экин уруғлари ва вегетация давридаги ўсимликларни электравжлантиргич самарадорлигининг агротехникавий ва экология-иқтисодий баҳолаш ишлари ишлаб чиқариш шароитларида «ВМКВ-Agromash» АЖ нинг уруғчилик полигонида амалга оширилди. Олинган натижалар 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.

Ўтказилган тадқиқот асосида ишлаб чиқилган чўл озукабоп ўсимликларни уруғини экологик соф электротехнологик усулда зарарсизлантириш ва авжлантириш технологиясини ишлаб чиқариш шароитига жорий этилиши саксовул ва изен уруғларини дала унувчанлиги мавжуд технологияга нисбатан мос равишда 3,21 ва 1,89 марта, ҳосилдорлик эса мос равишда 18 kg/ha (13 kg/ha) ва 17 kg/ha (9 kg/ha) ортган.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, бир гектар майдондаги уруғларни ва ундан чиққан хашакни ҳисобга олганда иқтисодий самара 980 000 сўмни ташкил этади.

1-жадвал

Чўл яйловларни яхшилашда ультрабинафша ускунасининг «уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимини нурлантириш самарасининг агротехникавий баҳоланиши (уруғларни экиш вақти– 2018-йил март ойи):

Тажрибалар вариантлари	Тик туриш куюқлиги (далада униб чиққан ниҳоллар сони), ming/ha			Ўсимликларнинг ўртача баландлиги (униб чиққан ниҳолларнинг), см			Ўртача ҳосилдорлиги, q/ha		
	2018	2019	2020	2018	2019	2020	2018-2020 йй.		
	май	ноябр		май	ноябр				
ИЗЕН									
Назорат	110,3	60,7	58,2	58,1	2,5	61,3	65,7	76,2	5,8
Тажриба*	208,9	172,9	170,3	170,2	4,2	74,5	76,7	82,5	16,9
САКСАУЛ									
Назорат	12,7	8,8	7,2	8,4	6,8	71,5	110,7	225,4	8,1
Тажриба *	40,8	32,2	31,2	41,5	7,5	75,2	112,9	257,6	35,7

2-жадвал

Чўл озуқабоп ўсимликлари уруғларининг «уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизими бўйича УБН таъсиридан кейинги ҳосилдорлиги

Тажрибалар вариантлари	Уруғларнинг йиллар бўйича ҳосилдорлиги, kg/ha					
	2018	2019	2020	2018	2019	2020
	ИЗЕН			САКСАУЛ		
Назорат	13,0	24,0	38,0	9,0	14,0	28,0
Тажриба*	18,0	37,5	47,0	17,0	24,5	36,0
Фарқи	5,0	13,5	9,0	8,0	10,5	8,0

ТАЖРИБА* – N=60 W қувватли ультрабинафша лампаси; нурлантириш вақтининг давомийлиги – t=10 min; лампадан уруғларнинг нурлантирилаётган юзаси қатламигача бўлган масофа – L=20 см; уруғларнинг нурлантирилаётган қатламининг қалинлиги - h=5 см.

ХУЛОСА

«Уруғчилик майдонларида яйлов экинларининг уруғларини етиштириш учун «уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимига электр таъсир кўрсатиш технологияси ва техникавий воситаларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Яйлов экинларининг юқори сифатли, яйловларнинг экстремал шароитларига чидамли экиш уруғларининг талаб қилинаётган миқдорини териб олиш имконини берувчи уруғчилик майдонларини яратиш катта аҳамиятга эгадир.

2. Экиш уруғлари ва вегетация давридаги ўсимликларга электр таъсир кўрсатиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларининг таҳлили асосида уруғчилик майдонларида яйлов экинларининг экологик соф уруғларини етиштириш учун «уруғ-тупроқ-ўсимлик» тизимига электр таъсир кўрсатиш технологияси илк бор ишлаб чиқилди.

3. Дала синовларида экспериментал тарзда яйлов экинларининг экиш уруғларини экишдан аввал УБН билан нурлантириш униб чиққан ниҳолларнинг сони назорат ниҳолларига қараганда 1,15-1,40 мартага кўпайиши, ўсимликларнинг УБН билан нурлантирилмаган назорат ўсимликларига қараганда чидамлилиги 2,49-2,76 мартага кўпроқлиги аниқланди. Бунда экин уруғларини нурлантиришдан олинган энг юқори авжлантириш самараси нурлантиргичнинг қуввати $P=60 \text{ W}$, нурлантириш вақтининг давомийлиги $t=10 \text{ min}$ бўлганида олинди, униб чиққан ниҳоллар бўйича назорат ниҳолларига қараганда 1,40, нурлантирилмаган уруғларга қараганда чидамлилиги бўйича эса 2,76 мартага ортади.

4. Тупроқ ва илдиз тизими ўртасидаги масса алмашиш жараёнлари назарий жиҳатдан кўриб чиқилди, тадқиқот қилинаётган тупроқнинг микробиологик хусусиятлари ва микроэлемент таркибига УБН таъсирини экспериментга яхшигина яқинлаштириб ўрганиш бўйича ўсимликларнинг илдизлари тупроқда озуқа моддалар ва намликни ўзлаштириш жараёнларини таърифловчи математик қийматлар аниқланди.

5. Агроэлектрификация соҳасидаги кўп йиллик илмий тадқиқотларга асосланиб, илк бор чўл уруғлари ва вегетация давридаги ўсимликларда содир бўладиган биологик ва физиологик жараёнларга электр таъсир кўрсатилишининг кейинги ҳаракатларини тавсифловчи диаграмма тузилди.

6. Ишлаб чиқилган чўл озуқабоп ўсимликларни уруғини экологик соф электротехнологик усулда зарарсизлантириш ва авжлантириш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этилиши саксовул ва изен уруғларини дала унувчанлиги мавжуд технологияга нисбатан мос равишда 3,21 ва 1,89 марта, ҳосилдорлик эса мос равишда 18 kg/ha (13 kg/ha) ва 17 kg/ha (9 kg/ha) ортган, натижада бир гектар майдондаги уруғларни ва ундан чиққан ҳашакни ҳисобга олганда йиллик иқтисодий самара 980 000 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.N.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКОГО ИНСТИТУТА ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

АРИПОВ АБДУХАМИД ОНАЛБЕКОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ И ТЕХНИЧЕСКИХ СРЕДСТВ
ЭЛЕКТРИЧЕСКОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ НА СИСТЕМУ
«СЕМЯ-ПОЧВА-РАСТЕНИЕ» ДЛЯ ПРОИЗВОДСТВА СЕМЯН
ПАСТБИЩНЫХ КУЛЬТУР НА СЕМЕНОВОДЧЕСКИХ ПЛОЩАДКАХ**

05.05.07 – Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4. PhD/T2395.

Докторская диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.tiame.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мухаммадиев Ашираф
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Музаффаров Шавкат Мансурович,
доктор технических наук, профессор

Ахмедов Олимжон Турсунбаевич,
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.N.10.01 при Национальном исследовательском университете «Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.:(+99871) 2370945, факс: (+99871) 2370945 e-mail:admin@tiame.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер_____). (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39. Тел.:(+99871) 2370945.)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.
(Протокол рассылки № _____ от «___» _____ 2022 года).

Б.С.Мирзаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

У.Т.Кузиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, PhD по техническим наукам, доцент

Х.М.Муратов

Председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Использование энергосберегающих, высокопроизводительных и экологически чистых технологий и сельскохозяйственных машин при улучшении пастбищ занимает одно из ведущих мест в мире. Учитывая, что по всей планете, аридные земли занимают около 1/3 площади земной поверхности, что составляет более 36 % суши, требует внедрения высокопроизводительных, энергосберегающих, экологически чистых технологий и технических средств для улучшения состояния пастбищ. В связи с этим использование электротехнологии и устройств для обеззараживания и стимуляции высеваемого поля и семян, а также фитомелиоративных растений при улучшении деградированных пастбищ и сенокосов является актуальной ввиду их экологичности, ресурсоэффективности и высокого качества работы.

Во всём мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений по ресурсосберегающим технологиям и техническим средствам для улучшения и восстановления пастбищ и сенокосов, основанные на экологически чистые и энергосберегающие технологии для их осуществления.

В Республике принимаются общие меры по разработке высокоурожайных и безболезненно развивающихся фитомелиоративных растений при улучшении деградированных пастбищ, не подвергающихся химической обработке, а также по созданию экологически безопасных технологий и технических средств.

Одним из важных направлений в Стратегиях действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, является, «...модернизацию и ускоренное развитие сельского хозяйства, последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности, производство экологически чистой продукции, расширение и значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора ...»¹.

